

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

*Атақулов Усман Махмадаминович
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти
мустақил изланувчиси*

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу молиявий муносабатлар ижтимоий характерга эга бўлиб, пул маблағларни давлат ихтиёрига сафарбар этишга хизмат қиласди. Бугунги кунда барча давлатларда кўчмас мулк объектларини сотиб олиш инсонлар орасида машхур сармоя ҳисобланади. Бироқ, ҳамма ҳам сотиб олинган кўчмас мулк объектига солиқ юкини ҳисобга олмайди. Хорижий амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, кўчмас мулкни солиққа тортиш тизими қўпчилик мамлакатларда узоқ вақтдан буён муваффақиятли амалга оширилмоқда ва маҳаллий бюджетнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Солиқ жамғармаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (OECD) аъзо давлатлар ўртасидаги кўчмас мулк солиғи бўйича 2022 йил учун янги ҳисботни эълон қиласди [3]. Тадқиқот 38 та давлатнинг солиқ сиёсати бўйича олиб борилди. Эстония давлати кўчмас мулк солиғи учун минимал ставка бўйича етакчи бўлиб келмоқда ва энг юқори солиқлар йирик ғарб мамлакатларида, жумладан, Италия, Испания, Швецария, Франция ва Буюк Британияда қайд этилган.

Кўчмас мулк иқтисодий муносабатлар ва солиққа тортиш объекти сифатида нафақат уни сотиш ёки айирбошлишдан даромад олиш учун, балки бевосита эгалик қилиш ёки фойдаланишдан даромад манбай сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Агар кўчмас мулк товар сифатида фойдаланилса, у ҳолда уни сотишдан олинган натижалар фойда ёки даромад солиғига тортилади.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш механизмини таккомиллаштиришда, кўчмас мулк тоифасига аниқлик киритиш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда замонавий усулларни амалиётга жорий қилиш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ҳамда қийматини объектив аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш истиқболлари, солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш мавжуд

муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган йўналишларини тақдим этишдан олдин, уни давлат бюджетидаги ўрни ва салмоғи ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодиётни ҳукумат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, хусусан кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда давлат бюджети ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш орқали жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этади. Солиқ тушумлари давлат иқтисодий мустақиллигининг манбаи ҳисобланади.

Республикамизда мол-мулк ва ер солиқларининг фискал аҳамияти сезиларсиз солиқлар қаторида ҳисоблансада яқин икки йилда ундан тушадиган солиқ тушумлари сезиларли ўсганлигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистонда мол-мулк ва ер солиқларнинг ЯИМ ва бюджет даромадларидағи салмоғи

Кўрсаткичлар		2018	2019	2020	2021	2022
Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи	ЯИМга, %	0,4	0,3	0,2	0,2	0,3
	БДГА, %	2,3	1,3	0,9	0,9	1,5
Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	ЯИМга, %	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
	БДГА, %	0,9	0,7	0,5	0,5	0,4
Юридик шахсларнинг ер солиғи	ЯИМга, %	0,3	0,4	0,3	0,5	0,5
	БДГА, %	1,9	2,0	1,8	2,3	2,4
Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	ЯИМга, %	0,1	0,1	0,1	0,1	0,2
	БДГА, %	0,8	0,8	0,8	0,8	0,9

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвалдан кўринадики, Ўзбекистонда мол-мулк ва ер солиғи давлат бюджети даромадлари шаклланишида сезиларсиз ҳолатда. Мол-мулк солиғининг жами бюджет даромадларидағи салмоғи 2018-2022 йиллар мобайнида 0,4-2,3 фоизни ташкил қилган бўлса, ЯИМга нисбатан 0,1-0,4 фоиз бўлган. Ер солиғининг бюджет даромадларидағи улуши 0,8-2,4 фоизни, ЯИМга нисбати эса 0,1-0,5 фоизни ташкил этиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хуносаларга келинди:

- давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга мос равишда солиқ тизимида чуқур ўйланган чора-тадбирлар, шу жумладан, кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда амалда бўлан мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджетни тўлдиришда кичик тизим сифатида, хусусан кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда юзага келадиган муносабатларни ўзида акс эттиради;

- мамлакатимизда солиққа тортиладиган кўчмас мулк объектларининг таркиби, солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг сони ҳисобланган солиқларнинг миқдорини ўрганар эканмиз, таҳлиллар

натижасида бугунги қунда солиққа тортилмасдан қолиб кетаётган обьектларнинг таркиби кўп эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўчмас мулк обьектларни солиққа тортишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади;

- шиддат билан ривожланиб бораётган замонда кўчмас мулк обьектларини солиққа тортиш бу борада кўчмас мулк солиғига ўтиш асосида солиққа тортиш механизмини бугунги кун талабларига мослаштириш, юридик ва жисмоний шахсларни ўз ватида солиққа тортилишини таъминлашга хизмат қиласди;

- кўчмас мулк обьектларини солиққа тортишда кўчмас мулк солиғини жорий этиш орқали кўчмас мулк солиғини тўлиқ ва ўз вақтида маҳаллий бюджет даромадаларини оширишга хизмат қилиши билан чегараланмаслиги, балки аҳоли турмуш даражасини ҳамда тўлов қобилаятини оширишга ҳам хизмат қилмоғи лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кодекс (2021) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси
2. Солиқлар ва солиққа тортиш (2009): Ҳаммуаллиф.: А.Ваҳобов, А.Жўраев. – Т.: “Шарқ” нашриёти.
3. mf.uz, soliq.uz, stat.uz, internationalwealth.info